

ЎРТА АСРНИНГ МАШХУР АЛЛОМАЛАРИ ВА МЕРОС ҚОЛДИРГАН БУЮК АСАРЛАРИ

Одинаев Наим Абдулхафизович

VIII аср урталарига келиб араблар Мовароуннаҳр, Хуросон ва Туркистонни забт этишга эришдилар. Ўрта Осиёга Ислом дини кириб келиши билан унинг ақидалари ва ҳаёт тарзини ерли аҳоли, даставвал қабул қилмаган булсада, кейин маъқул кўриб, исломни нафакат қабул қилдилар, балки уни ривожлантириб, бойитдилар ҳам. Натижада илмий, назарвий ва амалий каби Ўрта Осиёда ижобий ўзгаришлар содир булиб, ижтимоий ҳаётда жонланиш вужудга келди ва илм-фан ривож топди. Ушбу сабаб Ўрта Осиё ва унинг атрофларида кўплаб олимлару мутафаккирлар етишиб чиқди. Кўзга кўринган алломалар умумий илмлар соҳасида қўлзма сифатида эжоду таълиф қилдилар. Бу назарга кўра: “Илм-фан рифожланишига асосан бўлнаг биринчи сабаб Қуръон ва Ҳадис назарга кўринади ва мусулмонлар бу йўналишда Қуръон ва Ҳадисни манбаъ сифатида ишлаб, турли илмларга эргашдилар”. [15:3] Айтилган мавзуга қараб VIII-XV асрнинг ўрталарида яшаб ўтган машхур олимлар тўғрисида мақола туздик.

Бу буюк олимлардан атоқли мутафаккирлар Хоразмий, Фарғоний ва бошқалар маълуму машхурдир. Мазкур алломалар шу асрнинг ўз соҳаларида биринчилардан ҳисобланган. Бу тўғрисида кейинги олимлар кўйидагича зикр этганлар: “Илк ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқда Абубақр Розий, Форобий, Ибн Сино, Беруний каби бир қанча буюк мутафаккирларни етиштириб чиқарди”. [18:3] Мазкур фиркага янада олимларни кўшимча қилиш мумкин, булар Хоразмий, Фарғоний, Замахшарий, Фахриддин Розий кўзга кўринади. Таълимий рисоалар пайдо булиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий, Розий, Жомий ва Алишер Навоийнинг таълимий асарлари инсон шахсини маънавий шакллантириш муаммосини ҳал этишда соф асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таълимий асарларда инсон шахсини маънавий камолга етказиш юксак хулқ-одоб, илм-фанни эгаллаш асосидагина амалга ошириш мумкин, деган ғоя илгари сурилган.

Ал-Хоразмий 780 ё 783 мелодий йилда туғилиб 850 мелодий йилда вафот этган. Унинг тўлиғ исми Абу Джафар Абдуллоҳ Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий дунё илм фанига мисилсиз улкан ҳисса қўшган аллома, Алгебра фани ва «Алгоритм» терминларининг отаси, буюк математик, тарихчи, географ, фалаккиётшунос сифатида бутун дунёга машхур. Буюк алломанинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда кам миқдорда сақланиб қолган. Бугунги кунда унинг кўйидагича таърифлайдилар: “Хоразмий билим олишда талабанинг шахсий кузатишларига ҳамда олган билимларидан амалда фойдаланишига катта эътибор берган. Хоразмий билишни сезгидан мантикий тасаввур орқали фарқ қилиш ҳақида фикр билдиради. Унинг фикрича, «сезги» орқали билиш - қисман билиш булса, «мантикий» билиш эса ҳақиқий билишнинг муҳим томонини намоён этади, деб билиш назариясига салмоқди

хисса қушади. У биринчилардан булиб, кузатиш-синов усулига асос солди”.[9:8] Ал-Хоразмийнинг фаннинг турли соҳаларини камраб олган қуйидаги 9 та илмий асарлари фанга маълум. Афсуски, улардан фақат 7 таси бизгача ал-Хоразмийнинг ўз қўлёзмаси ёки лотин тилидаги таржимаси шаклида бизгача етиб келган.

Аҳмад Фарғоний (797-865) IX-X аср жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган комусий алломалардан бири. У Бағдоддаги «Байтул ҳикма»-да мударрислик қилиб, табиий соҳада риёзиёт, фалакиёт, география, ҳикма ва бошқа қатор фанларда таълим-тарбияга оид илмий кашфиётлар қилган.[9:8-9] Унинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғонийдир. Унинг туғилган жойи Фарғона водийсининг Кубо (Қува) қишлоғи булиб, туғилган йили мантикий ҳисоблар натижасига кўра, 797 йил деб топишган.[7:4] Аҳмад Фарғоний ўрта асрнинг буюк комусий олими астрономия, математика, география ва бошқа илмий йуналишларда фаолият курсатган.[7:5] Аҳмад Фарғоний Халифа Ҳорун ар-Рашид (786-809) ворислари ал-Маъмун (813-833), Муътасим (833-842) ва Мутаваккил (846-861) ҳукмронлик қилган йилларда яшаган ҳамда аввал Марв, сунгра Бардод, Дамашк ва Кохира шаҳарларида илми хайъат фалакиётшунослик, риёзиёт ва журрофия фанлари билан шурулланган.[7:8]

Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий 865 йилнинг 28 августида илмий ва маданий марказлардан бири бўлган Рай шаҳрида таваллуд топди.[2:3] У Хуросон ҳамда Ўрта Осиё фани ва маданияти анъаналарини Бағдодда давом эттирган йирик комусий олим эди. Абу Бакр ар-Розий 925 ё 935 йилининг 26 октябрида вафот этиб, у инциклопедис, врач, химик, математик, астраномик, философ ва ғайра фанларидан огоҳ бўлган. Розий ўзидан кейин бой илмий мерос қолдирган. Берунийнинг ёзишича, табобат бўйича 56, тиббиёт бўйича 33, мантиқ бўйича 7, математика ва астраномия бўйича 10, фалсафага оид 17, илоҳиёт бўйича 14, метафизикага оид 6, кимё бўйича 22 ва бошқа фанларга оид 19, жами 184 та асар ёзган[2:3] деб аниқ қилганлар.

Абу Наср Форобий 260 хижрий қамарий \870 милодий (ёки 873) йилда Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган ер Шош – ҳозирги Тошкентдан 200–260 км шимоли-ғарбда жойлашган Фороб (Ўтрор) деган жойда туғилди. У Форобда ўқиди, Шошда бўлди, Бухоро ва Самарқандда таълим олди. Араб халифалигининг маркази – Бағдодда ўқишини давом эттирди, умрининг сўнгги йилларида Ҳалабда, кейинроқ Дамашқда яшади ва шу ерда 950 йилда вафот этди.[17:3] Форобий таълим-тарбияга бағишлаган асарларида инсон тақомилида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усул ва услублари ҳақида фикр юритади.[9:9]

Жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлардан бири Абу Наср Форобий бўлиб, фалсафа соҳасида кўплаб асарлар ёзгани, янги фалсафий таълимотлар яратганлиги учун ул зот “муаллими соний”, яъни “иккинчи муаллим” деган шарафли унвонга сазовор бўлган. У қадимги юнон мутафаккирлари Афлотун, Арасту, Демокрит ва бошқаларнинг фалсафий меросини пухта ўрганди, асарларига шарҳлар ёзди. Лекин бу билан кифояланмай, ўзи ҳам фалсафа соҳасида янги таълимот яратди.[4:4] Форобий 949-950 йилларда Мисрда, сўнгра Дамашқда

яшайди ва шу ерда вафот этади. У Дамашқдаги “Боб ас-сағир” қабристонига дафн этилган. Мавжуд маълумотларга қараганда, у 160 дан ортиқ асар ёзган. Лекин уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган.[18:6]

Абу Райҳон Муҳаммад ибни Аҳмад Беруний 973 мелодий йилда Кот шаҳри Хоразм тобелигидан, кўзга кўринган оилада таваллуд топган.[6:5] Абу Райҳон Беруний 1048 йилда вафот этган. Абу Райҳон Беруний машриқшамон илмий асосларини ўрганиш учун, арабий, ҳиндий, юноний, ибрий ва паҳлавий тилларини ўрганган. У бу тилларни ўрганганидан кейин уларнинг маънавий бойгарликларини ҳам куллан ёдлаб буюк олимга айланиб, астронимия, фалсафа, математика, тиб, жуғрофия ва таърих тўғрисида мукамал асарлар ҳам эҳод қилган.[6:5] Осар-ул-боқия “ан-ил-қурун-ил-ҳолия” асарини 1000 мелодий йил 27 ёшида Гургон амири Шамсулмаолий Қобусга бахшлаган.[6:7] Берунийнинг билимларни эгаллаш йўллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Уқувчига билим беришда: уларни зериктирмаслик; бир хил нарсани ёки фанни ўргатавермаслик; узвийлик; изчиллик; янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўргазмалли баён этиш ва ҳоказоларга эътибор бериш кераклиги ўқтирилади.[9:9]

Шайх-ур-раис Абуали ибни Сино олим ва фозил кишилардан бўлиб, фалсафий ва тиббий мероси на танҳо ўрта асрларда балки, бизнинг давримизга қадар назорий ва амалий мақомини йўқатмади. У 15-16 ёшлигидаёқ кўплаб илмлари мантик, тиббиёт, риёзиёт, фалсафа, ва илоҳиётни ёдлаб, 16-17 ёшида Бухоро шаҳрида ҳозир табиб номи билан машҳур эди ва амир Нух ибни Мансур Сомоний дарборига даъват қилинган.[1:3] Ибни Синонинг асарлари кўйидагича зикр этилган: Китоб-ул-мажум, Китоб-ал-хосилу вал-маҳсул, Кито-ул-бирр вал-қисм, Китоб-уш-шифо, Китоб-ал-қонун, Рисолат-ул-қазо вал-қадар...[8:9] ва шунга ўхшаш бир неча китоблар ёзиб қолдирган. Ибн Сино 980-1037 мелодий йилнинг инсонларни камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган билим эгаллашга даъват этади.[9:9]

Маҳмуд Қошғарий тахминан 1008 мелодий йил туғулиб, 1101 мелодий йилда вафот этган. Бу борада шундай келтиришган: “Маҳмуд Қошғарий XI мелодий асрнинг буюк тилшунос турклардан бўлиб, туркий тилшунослик соҳасида арзанда хизмат кўрсатган. Унинг тўлиғ номи Маҳмуд ибни Хусайн ибни Муҳаммад Қошғарий бўлиб, боболари Қошғарда туғулган бўлсаларҳам, аслида Боласоғун шаҳрида ҳаёт кечиришган. Унинг “Девони луғоти турк” асарининг таълиф бўлиши 1068 мелодий йилда бўлган”.[12:1\16] Маҳмуд Қошғарий туркология фаннининг устоди бўлиб, махсус туркологияро фаннини ривожланишига асос солган, яъне туркий талларнинг асосчиси бўлган.[12:1\5] У XI мелодий асрнинг тақрибан 1000-1100 мелодий йил ўрталарида яшаб, буюк асар яраттики у “Девони луғоти турк” номи билан таълиф этилган. Маҳмуд Қошғарий асари ўз даврида бениҳоят қимматбаҳо манбаъ тилшунослар ва руркшунослар учун эҳод қилинган.[12:3\27] Бу девон туркий калималар луғати ва Ўрта Осиё юртларининг ўрта асрлар географий номларини қамраб олган. Ушбу девон жамланиши буюк туркнажод ёзувчи Маҳмуд Қошғарий томонидан сайру саёҳат тизими билан узоқ йиллар давомида жамланган.[12:1\8]

Юсуф Боласоғуний (1017–1089) йилларда Қорахонийлар давлатининг марказий шахрида умр ўтказган.[111:29-30] Ёзилган асарлару манбалардан бизга маълум, буюк шоир ва олим Қошғар шахрида туғулган. Ў Турклардан бири Чигил қабиласи, ки у гуруҳ Қарлуғ миллатидан эдилар.[13:43] “Қутадғу билиг” “Қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим” демакдир. Уни бобокалон шоиримиз Боласоғуний 1069 йилда ёзган.[21:5] Мазкур олим бу номга сазовор бўлишига сабаби шудир: “Асар муқаддимасида эса дostonнинг Тавғочхон ҳузурига келтирилгани, хон уни қардлаб шоирга Хос Ҳожиб унвони бергани тўғрисида гапириб ўтилган”. [21:5] Маълум бўлишича Юсуф Боласоғуний номига ҳам сазовор бўлган. Муаллиф асарининг ўша замонда эжод қилишга бошлаган, ки форситиллар адабиёти хатти туркий қавмлар ўртасида хос эътиборга эга эди.[3:93] Жаҳон подшоҳлари ва олимлари “Қутадғи билиг” асарига турли номлар билан аташган. Чинликлар (Хитойликлар) “Адаб ул-мулк”, Мочинликлар Шарқий Туркистон “Оин ул-мамлакат”, Машрикликлар “Зуйн ул-умаро”, Эронликлар “Шоҳномаи Туркий” ва Туронликлар “Қутадғи билиг” номини кўйганлар.[21:5] Унинг аслий номи ва китобе, ки бугун жаҳонда ўқилади “Қутадғи билиг” номи билан нашру паҳн этилган.

Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад 467\1075 Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган.[14:5] Араб олимлари Замахшарийнинг илмий фаолиятига чуқур эҳтиром билан қараб, у ҳақда шундай деганлар: «Араблар Мовароуннаҳрни қурол билан эгаллай олмадилар, лекин хоразмлик аллома ўз ҳассаси билан бутун араб дунёсини эгаллаб олди».[19:№1,2.278] Маҳмуд Замахшарий илмий меросида Қуръони карим оятларининг шарҳларига оид манбалар ҳам алоҳида эътибор ва эътирофга лойиқ.[14:3] Замахшарийнинг илмий мероси умумбашарий методологик аҳамиятга молик илмий мерос, маънавий кадрият сифатида дунё миқёсида кенг қамровли тадқиқ этиб келинади.[14:4] Замахшарийнинг куйидаги асарларининг турли даврларда кўчирилган кўлёмалари, тошбосмалари ва нашр нусхалари юқорида қайд этилган фондларда нодир манба сифатида сақланмоқда: Кашшоф, Муқаддамат-ул-адаб, Асос-ул-балоға, Рабиъ-ул-аброр, Муфассал фи санъати-л-иъроб, ва бундан бошқа асарлари ҳам бўлган. Унинг сонини 50 дан кўпроқ деб айтганлар.

Фахриддин Розий XII-XIIIм\V-VIх.қ замонининг олимларидан бири бўлиб, тўлиқ номи кўйидагичадир: “Абуабдуллоҳ Муҳаммад ибни Умар ибни Ҳусайн ибни Ҳасани Табаристоний Розий рамазон ойининг 25 куни 543-544 х.қ (1148-1149 м) йили Рай шахрида дунёга келган”. Имом Розийнинг вафоти 62 ёшида 606 х.қ (1209 м) йили тўғри келган.[16:21-22] Бошқа бир маълумотга кўра Карромиялар томонидан масмум қилиниб яъне заҳарланиб ўлдирилган, уни кофир ҳукм қилишган.

Тожу тахт соҳиби Мирзо Улуғбек (1394-1449) оламшумул илмий муваффақиятлари туфайли шундай бахтга эришган.[22:5] даврида илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифат тез ривожланди. Улуғбек даврида ўқитишнинг синф тизимлари, болаларни ёши бўйича табақалаштириб ўқитиш, ўқув-тарбия ишларининг аниқ бир муддатини белгилаб кўйиш, таълимнинг босқичма-босқич: бошлангич ва урта, олий босқичлар оркали амалга оширилди. Жумладан, Улуғбек ўқув муддатини қатъий 8 йил қилиб белгилаб кўйди. Бу атоқли олим ўздаврида мадраса ва расадхонахам

курдириб илм ривожланишига катта ҳисса қўшган. Мирзо Улуғбек мазкур илмий кашфиёти ичида машхур тарихи асарни ҳам таълиф қилган. Ў “Тўрт улус тарихи” (Тарихи арбаъа улус) асарни ҳам туркий миллатлар учун ёзиб қолдирган.

Абдурахмон Жомий буюк шоир 1414 йил Жом вилояти Харжард қишлоғида туғилиб, ҳаёти 1492 йил Ҳиротда яқун топган. Бу шоир “Ҳафт авранг” дostonлар туркуми билан оламга машхур бўлган.[20:110] Жомий ва Навоий ўз таълифотларини бир-бирларига тақдим қилганлар.[5:7] Алишер Навоий форсийда Фоний тахаллуси билан Девон тузган. Унинг туғулган йили 1441 ва вафоти 1501 йил бўлиб, ҳаёт ва ижодий фаёолияти таниш.[20:116] Алишер Навоий шубҳасиз “ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири”. [11:47] Ва у фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тил, тарих, хаттотлик, тасвирий ва бошқа билимларни ривожлантириш билан бирга уларни ўқитишни такомиллашга ҳам катта эътибор берган.[9:13] Ҳақиқатан ҳам халқимиз тарихи, маданияти, маънавияти ва адабиётида алоҳида юксак мавқе қозонган. Мазкур олимлару мутафаккирлар тўғрисида қанча ёзсак кам, зеро уларнинг қилган хизматлари минг йиллардан буён бизниг халқимиз ва бутун дунё халқларига етарлича манфаат бериб келмоқда. Бугунги олимлар ҳам уларнинг асарларидан манбаъ сифатида фойдаланиб, бе ў нуқсон сезилиб тургани аниқ.

Калид сўзлар: Олимлар, мутафаккирлар, Хоразмий, Форобий, Розий, Ибни Сино, Беруний, Улуғбек, Жомий, Алишер Навоий, илм, кашфиёт, тиб, фалсафа, алгебра, астраномия, илоҳиёт, ахлоқ ва асарлар.

Ключевые слова: Учёные, мыслители, Хорезми, Фараби, Рази, Ибни Сина, Беруни, Улуғбек, Джами, Алишер Наваи, наука, открытия, медицина, философия, алгебра, астраномия, религия, нравственность и труды.

Key words: Scholars, thinkers, Khwarizmi, Farabi, Razi, Ibn Sina, Biruni, Ulugh Beg, Jami, Alisher Navoi, knowledge, discoveri, philosophy, algebra, astronomy, theology, morality and works.

Аннотация: Ўрта асрларнинг олимлару буюк мутафаккирлар жумладан ал-Хоразмий, ар-Розий, Форобий, Фарғоний, Замахшарий, Ибни Сино, Беруний, Қошғарий, Боласоғуний, Мирзо Улуғбек, Жомий ва Алишер Навоий эдилар, ки ўзларидан гуногун илмлар каби алгебра, астраномия, химия, тиб, фалсафа, чуғрофия, тил ва адабиётни жаҳоний қилиб кашф этдилар. Уларнинг мерос қилиб қолдирган асарлари бугунга қадар инсонлар фойдаланиб, катта хизмат амалга оширилмоқда.

Аннотация: Великие мыслители прошлого, такие как Хорезми, Рази, Фараби, Фаргани, Замахшари, Ибни Сина, Беруни, Кашгари, Баласагуни, Мирза Улуғбек, Джами и Алишер Наваи, были выдающимися учёными, которые благодаря собственной научной деятельности открыли миру такие науки, как алгебра, астраномия, химия, медитсина, философия, география а также внесли значительный вклад в развитие литературы и мировой истории. Их научное и культурное наследие и сегодня используется человечеством и считается великим вкладом в развитие цивилизации.

Annotation: Great thinkers of the past such as Khwarizmi, Razi, Farabi, Fargani, Zamakhshari, Ibn Sina, Beruni, Kashgari, Balasaguni, Mirza Ulugbek, Jami and Navoi were outstanding scholars who, through their scientific research, introduced fields like algebra, astronomy, chemistry, medicine, philosophy, geography and made significant contributions to literature and world history. Their cultural and scientific heritage is still used by humanity today and is regarded as a great service to civilization.

УДК. Тоҷ...9+902+908+39(575.3)+58

Одинаев Наим Абдулҳафизович – Тоҷикистон давлатчилик педагогий университети Садриддин Айни номида, тоҷик халқи тарихи кафедрасини аспиранти. Адрес 734003, Душанбе шаҳри, Рудакий кӯчаси 121. Тел: (+992)501850188, G-mail: odinaevnaim760@gmail.com

УДК. Тадж...9+902+908+39(575.3)+58

Одинаев Наим Абдулҳафизович – Таджикский государственный педагогический университет имени Садриддина Айни, соискатель кафедры истории таджикского народа. Адрес 734003, город Душанбе, проспект Рудаки 121. Тел: (+992)501850188, G-mail: odinaevnaim760@gmail.com

UDC. Taj...9+902+908+39(575.3)+58

Odinaev Naim Abdulkhafizovich – Tajik State Pedagogical University named after Sadriddin Aini, applicant for the department of the Tajik people. Address: 734003, Dushanbe city, 121 Rudaki ave. Phone: (+992)501850188, G-mail: odinaevnaim760@gmail.com

Фойдаланган адабиётлар:

1. Абуали ибни Сино. Рисолаи “Дафъ-ул-мазор-ил-куллия ан-ил-абдон ил-инсония”. Душанбе: “Ирфон”, 1991. 96 саҳ.
2. Абу Бакр ар-Розий. Бӯғин касалликлари ҳақида рисола. араб тилидан таржима Ш. Саидахмедов. Нашрга тайёрловчи, изоҳлар ва бош сўз муаллифи С. У. Каримова. Тошкент, 2005.
3. Алиев А. Восточный ренессанс и его роль в историко-культурном развитии Киргизстана и сопредельных территорий. Бишкек, 2016. 93 бет.
4. Аликулов Ҳ. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-маънавий мероси. Тошкент: “Noshir”, 2012. 112-бет.
5. А Навой. Хамсут-ул-мутаҳайирин. Тарҷума, тавзеҳ ва пешгуфтор Абдуқодир Маниёзов. – Душанбе: “Адиб”, 1989. 480 саҳифа.
6. Берунӣ Абурайҳон. Осор ул-боқия. Ба чоп тайёркунандагон, А. Девонакулов. М. Исо. О. Ҳамид. М. Бако. Душанбе, Ирфон, 1990. 432 саҳифа.
7. Бобоев С. Аҳмад Фарғонӣ. Таҳрир ҳайъати У. Алимов ва бошқа. – Т.: “Тафаккур”, 2010. 96 бет.
8. Болтаев М. Н. Ақидаҳои фалсафии Абӯалӣ ибни Сино. Душанбе: “Ирфон”, 1969. 156 саҳ.

9. Бўри З. Педагогика нопедагогик олий ўқув юртлари учун ўқув кўланма. Тошкент, 2006. 112 бет.
10. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. 47-бет.
11. Касымжанов А. Мажиденова Д. М. Очарование знания. Стр, 29-30.
12. Қошғарий Маҳмуд. Таржумон ва нашрга тайёрловчи филология фанлар номзади Солеҳ Муталлибов. “Девони луғоти турк”. Тошканд, 1960 м. 3 жилд.
13. Материалы по истории киргизов и Киргизии... / Под ред. В. А. Ромодина. – Стр. 43.
14. Н Сулаймонова. Маҳмуд Замаҳшарийнинг тошкент фондларида сақланаётган асарларининг манбашунослик таҳлили. Тошкент, 2020. 136 бет.
15. Одинаев Н. Сарчашмашиносӣ. – Душанбе, “Ирфон”, 2023. 64, саҳ.
16. С Пиров. Фахриддин Розий ва андешаҳои ахлоқиву тарбиявии ӯ. Душанбе, 2015. 320 саҳ.
17. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Абдусодиқ Ирисов, Маҳкам Маҳмудов ва Урфон Отажон. Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. 320 бет.
18. Ҳ Аликулов. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-маънавий мероси. Тошкент: “Noshir”, 2013. 112-бет.
19. Ҳакимов А. Замаҳшарий тилшунос олим // Шарқшунослик, 1999 №1 – 2. - 278-бет.
20. Эрону Турон назмул-жавоҳир. Форсидан таржума Олимжон Бўриев. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. 208 бет.
21. Юсуф Балосоғунӣ. Қутадғи билиг. Тартиби ва муқаддима муаллифи. Боқичон Тухлиев. Тошкент “Юлдузча”, 1990. 192 бет.
22. Mizo Ulugbek. To'rt ulus tarikhi. – Toshkent “Yosh kush”, 2019. 424 bet.